



ТУРКИСТОНДАГИ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Сохиба Махмудова Ўктамжон қизи

Ўзбекистон ФА Тарих институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Туркистонда тараққийпарварлар ҳаракати ҳамда жадидчилик ҳаракатининг тарихшунослиги ёритилган. Тарихчи олимлар томонидан жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва уларнинг фаолиятига оид илмий тадқиқотлар ва асарлар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Тараққийпарварлар, Туркистон Мухторияти, Ёш бухороликлар, жадидчилик, тарихшунослик, советлар, ислоҳотлар, миллий-озодлик, қадимчилар.

Abstract: The article covers the historiography of the progressive movement and the Jadidism movement in Turkestan. Scientific studies and works related to the emergence of the Jadidism movement and their activities are analyzed by historians.

Key words: Progressives, Turkestan Autonomy, Young Bukharans, Jadidism, historiography, Soviets, reforms, national liberation, ancients.

Аннотация: В статье освещается историография прогрессивного движения и движения джадидизма в Туркестане, анализируются научные исследования и труды, связанные с возникновением движения джадидизма и его деятельностью.

Ключевые слова: Прогрессисты, Туркестанская автономия, младобухарцы, джадидизм, историография, Советы, реформы, национальное освобождение, древние.



Жадидчилик ҳаракати Туркистонда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида шакллана бошлаган. Жадидчилик ҳаракати намоёндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етгандилар. Жадидлар миллатнинг яшаши, тараққий этиши учун, энг аввало озод, мустақил бўлиши лозимлигини англаганлар. Шу билан бир қаторда жадидлар томонидан мактаб-маориф соҳаси ислоҳ қилина бошлади, миллий матбуотга асос солинди, адабиёт соҳасида ҳам янгича қарашлар вужудга кела бошлади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, улар мустақиллик учун кураш олиб бордилар.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурӣ, Обиджон Маҳмудов, Исҳоқхон тўра Ибрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжаев, Муса Саиджонов, Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов, Худойберган Девонов, Аваз Ўтар каби тараққийпарварлар ана шу мақсад йўлида фидокорона кураш олиб бордилар.

Мустамлака Туркистонда жадидчилик тарихини тадқиқ қилиш бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилди. Мавзуга бағишланган йирик монографик тадқиқотлар, асарлар, рисоалар ва мақолалар мавжуд. Аммо бу илмий ишларда жадидчилик ва жадидлар томонидан ёзиб қолдирилган асарлар, мақолаларнинг туб моҳияти етарлича ўрганилмади. Мустамлака даврида ёзилган илмий ишларда ўрганилаётган масалаларнинг тарихий жараёнлари бир томонлама ёритилганлиги, уларнинг фаолияти қораланиб ёзилганлиги ва коммунистик мафкура сингдирилганлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, мустамлака даврининг ҳукмрон коммунистик мафкураси таъсирида бир қанча тарихий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар коммунистик, маъмурий-буйруқбозлик тизими



манфаатларига бўйсундирилди ва нотўғри талқин қилинди. Шу қаторда жади́дчи́лик ҳаракатининг моҳияти ҳам нотўғри талқин қилинди. Аммо мустақилликка эришилгандан сўнг жади́дчи́лик ҳаракатини ижобий баҳолаш, улар томонидан ёзиб қолдирилган асарлар, нашр қилинган журналларни кенг қамровда тақдид қилиш, тарихий нуқтаи назардан холис баҳо бериш бошланди. Халққа ҳақиқий тарих очиб берилди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида вужудга келган жади́дчи́лик ҳаракати тарихига оид адабиётларни уларнинг асосий қарашларига ва ёзилган даврига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Совет даврида ёзилган тарихий адабиётлар.
2. Мустақиллик даврида яратилган асарлар.
3. Хориж тадқиқотчилари томонидан ёзилган асарлар.

Совет даврида жади́дчи́лик доирасида қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, XX асрнинг 20-йиллари бошига қадар жади́д ва жади́дчи́лик, унинг вакиллари атрофидаги фикрлар юзаки, турли воқеа ва муносабатлар билдирилган, махсус тадқиқотлар кўзга ташланмайди. Бухоро жади́дларининг етакчиларидан бири Садриддин Айнийнинг 1920-йилда “Бухоро инқилоби тарихига материаллар”¹ номли асари эълон қилинган бўлиб, унинг бу асарни ёзишдан асосий мақсади - 1920 йилда Бухорода юз берган инқилобда бухороликлар, туркманлар, ўзбек, тожик ва бошқа халқларнинг роли, аҳолининг энг қийналган қисми аёл ва қизларнинг иштироки, Ёш бухороликлар фаолияти, янги усул мактабларининг ташкил қилиши ва бу ердаги умимий ижтимоий-сиёсий масалаларни очиб беришдан иборат бўлган.

Бу даврда Файзулла Хўжаев томонидан ёзилган “Бухоро инқилоби тарихига доир”² асари ҳам мавжуд бўлиб, бу асарда Бухоро жади́дчилигининг фаолияти, жади́дчи́ликнинг вужудга келиши ва мазмун-моҳияти очиб берилган.

¹ Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе: Адиб, 1987.

² Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Тошкент: Фан, 1997.



Совет тадқиқотчилари Г. Сафаров³, З. Кастельскаянинг⁴ тадқиқотларини ҳам шу даврга оид асарлар қаторига киритиш мумкин.

Г. Сафаровнинг жадиदчилик ҳаракатига берилган фикрлари жуда қимматлидир. Унда муаллиф дастлаб, жадидчилик янги усул мактабларини ташкил этиш ва миллий тараққийёт масалаларини ўз олдига қўйганлиги, кейинчалик эса сиёсий мақсадлар учун унителиб, мухторият учун кураш олиб борганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

З. Кастельская ўз асарида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, совет тузумига қарши олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатлари, Октябр инқилоби ва унинг оқибатлари ҳақида маълумотлар келтирган.

Шундай қилиб, совет ҳокимияти даврида Туркистондаги жадидчилик ҳаракатлари ноҳолис ёзилди ва коммунистик мафкурага бўйсундирилган ҳолда сохталаштирилди. 1980-йиллар охиридан бошлаб биров бўлсада муаммога янгича қарашлар вужудга кела бошлади аммо жадидчилик ҳаракатининг туб мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилмади.

Мустақиллик йилларида бир қанча олимлар томонидан Туркистон жадидлари фаолиятига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди, илмий асарлар, мақолалар ва монографиялар чоп этилди. Бу ўринда бир қатор тарихчи ва адабиётшунос олимларнинг хиссалари жуда каттадир. Хусусан, Д.Алимова, С.Аъзамхўжаев, Д.Зиёева, Р.Шамсуддинов, Қ.Ражабов, С.Иноятов, Ш.Ҳайитов, Ҳ.Содиқов, Ҳ.Узоқов, К.Рахмонов, Д.Жамолова, Р.Турсунов, Ф.Темиров⁵ каби

³ Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). Москва, 1921.

⁴ Кастельская З. Из истории Туркестанского края (1865 – 1917). Москва, 1980.

⁵ Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (журналистлар фаолияти мисолида). Тарих фанлари доктори дисс... Тошкент, 1996.; Содиқов Ҳ. XX аср бошида Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. Тарих фанлари доктори дисс.... Тошкент, 1994.; Алимова Д. История как история, история как наука. Т.1. История и историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008; Ўша муаллиф: История как история, история как наука. Т. 2. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009; Алимова Д. Жади́дчи́лик феномени. Тошкент: Академнашр, 2022.; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Тошкент: Маънавият, 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф: Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 й.). Тошкент: Маънавият, 2002.; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. Тошкент: Тафаккур, 2016; Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. Тошкент: “Бодомзор инвест”, 2021; Ўша муаллиф: Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.). Тошкент: Фан,



тарихчилар ва Б.Қосимов, У.Долимов, Ш.Ризаев, З.Абдурашидов⁶ сингари адабиётшуносларнинг ўрни бекиёсдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бир қанча олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилди, жадиждлар томонидан яратилган бой маънавий меърос қайта тиклана бошланди.

Хусусан тарихчи олима Д.Алимова асарларида жадиждчилик ҳаракатининг вужудга келиши, жадиждларнинг давлатчилик, жамиятни ислоҳ қилиш, юртни мустақилликка эришиши учун аввало ёш ва кекса авлод бирлашиши кераклиги тўғрисида муҳим маълумотлар берилган.

Тарихчи олим С.Аъзамхўжаевнинг илмий асарлари ва тадқиқотларида жадиждчилик ғоялари билан бир қаторда Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва унинг асосий босқичларига ва бу борада тараққийпарварларнинг иштирокига алоҳида эътибор берилган.⁷

Бундан ташқари, Қ.К. Ражабовнинг илмий мақола ва монографияларида Туркистон ва Бухорадаги жадиждчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар фаолияти, Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши, мустақиллик йўлида совет режими ва қизил армияга қарши олиб борилган

2022.; Ўша муаллиф: Туркистон минтақасида совет режимига қарши истиклолчилик ҳаракати ва моҳияти (1918 – 1935 йиллар). Тошкент: Фан, 2022; Ўша муаллиф: Туркистон Мухторияти тарихи. Тошкент: Фан, 2023.; Ўша муаллиф: Ўзбекистоннинг XX асрдаги тарихи.1-китоб, Тошкент: Фан, 2023.; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. Бухоро, Турсунов Р. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фанлари номзоди диссертацияси афтореферати. - Тошкент, 2008; Мадиярова С. Историография Туркестанской автономии (1917 – 2008 гг.). Автореф. дис... канд. ист. наук. Ташкент, 2010; Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадиждлар ва қадимчилар фаолияти (1925-1991-й.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис...автореферати.Тошкент, 2019.; Ўша муаллиф: Туркистон ва шарқ мамлакатлари тараққийпарварларининг ўзаро алоқалари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чораги). Тарих фанлари доктори (DSc) автореферати. Тошкент, 2023; Темиров Ф. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадиждчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. Тошкент, 2020.

⁶ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент: Маънавият, 2002; Ўша муаллиф: Уйғонган миллат маърифати. Тошкент: Маънавият, 2011; Ризаев Ш. Жадижд драмаси. Тошкент: Шарқ, 1997; Долимов У. Туркистонда жадижд мактаблари. Тошкент: Университет, 2006; Абдурашидов З. Туркистонда жадиждчилик. Тошкент: Академнашр, 2023.

⁷ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Тошкент: Маънавият, 2000.



курашлар, тараққийпарварларнинг тарихда тутган ўрни, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши бошланган истиқлолчилик ҳаракатлари очиб беришга ҳаракат қилинган.

Шу ўринда яна бир тарихчи олима Д.М.Жамолованинг илмий ишларида Бухоро амирлигида жади́дчиликнинг вужудга келиши, бу ҳаракатнинг мақсад-вазифалари, Бухоро амирлигидаги қадимчилар ҳаракати ва уларнинг жади́длар билан муносабати, шунингдек Туркистон жади́дларининг Шарқ мамлакатлари тараққийпарварлари билан муносабати ҳақида маълумотлар келтирилади.⁸

Хорижда ҳам Туркистонда жади́дчилик масаласига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, унга Б.Ҳайит, А.Холид, Э.Олворт, А.Беннингсон, И. Балдауф, Э.Лазерри, Ҳ.Коматсу, Темур Хўжаўғли⁹ каби тарихчи олимлар томонидан ҳам жади́дшуносликка оид тадқиқотлар олиб борилган. Хорижда яратилган тадқиқотларнинг муҳим жиҳати шундаки, жади́дчилик ҳаракатида иштирок этган шахслар фаолиятини ўрганиш орқали тараққийпарварликнинг моҳияти очиб берилган. Бундан ташқари, уламолар ҳаракати борасида янгича қарашлар баён қилинган.

Америкалик олим Э.Олворт Туркистонда XX аср бошларида кечган тарихий жараёнлар ва унда миллат тараққийпарварларининг иштироки масаласи тадқиқ қилиниб, жади́дчиликнинг тарихий аҳамиятини масаласи очиб берилган.¹⁰

⁸ Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жади́длар ва қадимчилар фаолияти (1925-1991-й.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис...автореферати.Тошкент, 2019.; ўша муаллиф: Туркистон ва Шарқ мамлакатлари тараққийпарварларининг ўзаро алоқалари (XIX аср охири- XX асрнинг биринчи чораги). Тарих фанлари доктори (DSc) дис... автореферати, Тошкент, 2023.

⁹ Carrere r'Encausse H. Reforme et Revolution chez les musulmans de l'Empire Russe. Bukhara. 1867-1924. – Paris, 1966; Allworth E. Central Asia. A Centry of Russian rule. – New York-London: Columbia University Press, 1967.; Benningson A. Islam in the Soviet Union: the religios factor and the nationality problem. L – New York, 1967.; Lazzerini, E.James. Ismail Bey Gaspirinskii and Muslim Modernism in Russia, 1878 – 1914. University of Washington, 1973.; Timur Kocaoglu. The existence of a Bukhara nationality in the recent past // The Nationality Question in Soviet Central Asia. New York, 1973. – Pp. 151 – 158.; Boymirza Hayit. Islam and Turkestan Under Russian Rule. Istanbul: Can Matbaa, 1987.; Komatsu Hisao. 20 Yuzyil baslarinda Orta Asyada Turkguluk ve devrim hareketleri. – Ankara, 1993.; Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidizm in Central Asia. Berkeley, Los Angeles, London: University of California Press, 1998.; Baldauf I. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Weit des Islams. 2000. № 1 (41). – P. 72 – 88.

¹⁰ Allworth E. Central Asia. A Centry of Russian rule. New York-London: Columbia University Press, 1967;



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихчи олим Боймирза Ҳайитнинг бир нечта асарлари илк марта ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.¹¹ Унинг тадқиқотларида асосан туркистонликлар ва руслар ўртасидаги қурулти тўқнашувлар, Туркистон Мухторияти масаласи, туркистонликларнинг мақсадлари ҳақида муҳокама қилинган.

Япониялик олим Ҳисао Коматсу ҳам жади́дчилик ва унинг намояндалари ҳақида ўз фикр ва қарашларини билдирган. У хусусан А.Фитратнинг “Мунозара” асари ва “Чигатой гурунги” ташкил этилиши ҳақида ўз асарида тўхталиб ўтган¹². Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мазкур кўрилган тадқиқотларда Туркистондаги жади́дчилик ҳаракати тарихшунослигига қисқача тўхталиб ўтилди. Бу тадқиқотларда жади́дчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ҳаракатнинг мақсад-вазифалари ва фаолияти ҳақида турлича қарашлар, фикрлар келтириб ўтилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе: Адиб, 1987. –Б. 240.
2. Allworth E. Central Asia. A Centry of Russian rule. New York-London: Columbia University Press, 1967.
3. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Тошкент: Фан, 1997. –Б. 176.
4. Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). Москва, 1921. –Б.238.
5. Кастельская З. Из истории Туркестанского края (1865 – 1917). Москва, 1980. –Б. 122.

¹¹ Боймирза Ҳайит. “Босмачилар”: Туркистон миллий қураши тарихи (1917 – 1934). Тошкент: Академнашр, 2023.; Ўша муаллиф: Туркистон Россия ва Хитой орлиғида (XVасрнинг иккинчи ярмидан- XXаср сўнгига қадар). Тошкент: Янги аср авлоди, 2023.

¹² Komatsu Hisao. 20 Yuzyl baslarinda Orta Asyada Turkculuk ve devrim hareketleri. – Ankara, 1993.



6. Komatsu Hisao. 20 Yuzyil baslarinda Orta Asyada Turkculuk ve devrim hareketleri. – Ankara, 1993.
7. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Тошкент: Маънавият, 2000. Б–168.
8. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
9. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент: Маънавият, 2002. –Б. 400.
10. Алимова Д. Жаидчилик феномени. Тошкент: Академнашр, 2022. –Б. 272.
11. Боймирза Ҳайит. “Босмачилар”: Туркистон миллий кураши тарихи (1917 – 1934). Тошкент: Академнашр, 2023. –Б. 376.
12. Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти тарихи. Тошкент: Фан, 2023.